



Уйғоқ абадиёт

Инсон умри абадий эмас. Наинки, инсон умри, қолаверса, ушбу замин юзидаги, бу самою киниот меҳваридидаги жамики моддий мавжудотлар ўтиб кетажак. Фақат хотира мангудир. Уни на асрлар шамолли, на давру замон қасиргалари маҳз этолмайди. У авлодлардан авлодларга ўтиб яшайверади. Яшайверадигина эмас, даврлар, замонлар ўтгани сари ёрқинлашиб, мунавварлашиб, йўл-йўлакай илашган хору хаслардан поклашиб боради. Зеро, у ҳамиша эзгулик ва адолат, ҳақиқат ва динбат билан уйғун бўлиб келган...

Хар қандай мамлакат, хар бир жамият маънавий-маърифий қиёфаси, тараққиёт мароми унинг кечмиши, босиб ўтган мураккаб тақомил йўлига нақадар ҳаққоний, одилона муносабатда бўлинишига, ажодлар заковати, жасорати, аънавлари нечоғли изчил давом эттирилганига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз раҳбари "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", дея уқтирдилар. Тарихий хотира халқимизнинг беназир маънавий мулкидир.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган нисбатан қисқа, аммо тарихан аслоғарга татигулиқ дарв салобатига назар ташлар эканмиз, жамики миллий қадриятларимиз тиклангани, уш ўрнини тоғпанига қомил ишонч ҳосил қилиб турибмиз. Республика-миз Президенти томонидан 9 майнинг "Хотира ва Қадрлаш кунин" деб белгилангани ушбу мураккаб сана мазмун-моҳиятини янада мукамал, янада кутлуг этгани аниқ ҳақиқатдир. Зеро, Хотира муқаддас қадрият сифатида Қадр-қиммат, Хўрмат-эҳтиром, Ўзғоз-икром тушунчалари билан эътиқаддир. Марҳумларни ёд этишга оид, эъга амалларни эътироф этиш билан бир қаторда тирикларни эъзозлашу қадрлаш халқимизнинг бетақорр аъна-

ларидандир. Эътиборли томонини шундаки, миллий истиклол туфайли ана шу хайр-савабли удумимиз ҳам янги-ча ва янада кенг, улғувор маъно касб этди. Яъни, Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида мардлик-матонат кўрсатган, фронт орқасида заҳмат чеккан юртдошларимиз ҳақиқат адолат томонда туриб курашганларини, Ер юзини фашизм вабосидан халос қилиш, шу асосда Она тупроғимиз тинчлиги, бахт-саодати учун жон олиб-жон берганларини англаб турибмиз. Бинобарин, шoir айтганидек, "Ўзиган бир киприк абад йўқолмас"лиги, ҳеч қим, ҳеч нарса, ҳеч қачон унутмаслиги, ҳақ ўрнига қарор топажга бўлган янада равшанроқ аён бўлди. Мамлакатимизда уруш қурбонлари хотираси улуғланмоқда, жангда жасорат, меҳнатда матонат кўрсатган муқтарам фахрийларимиз чексиз иззат-икромга, хўрмат-эътиборга сазовор бўлмоқда. Президентимизнинг яқиндагина эълон қилинган "Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу фикрининг яна бир ёрқин далилидир. Қолаверса, 2007 йилнинг "Иж-

тимоий ҳимоя йили", деб номланишини, биринчи навбатда, табарруқ кексаларимизга ғамхўрликни назарда тутиши ҳам ҳеч қимга сир эмас.

Ўз навбатида, пире бадавлат отахону онахонларимиз ушбу эътибор ва ғамхўрликни чин қалбдан ҳис этиб, миннатдорлик ва шўқроналик туйғуларини ифодалаб турибдилар. Урушни қўрган одамлар - муқтарам фахрийларимиз билан сўхбатларда бунга тақорр-тақорр имон келтирамиз. Бу сўхбатларда яна бир ҳақиқатни шоён англаймизки, тинчлик инсон ҳаётидаги энг буюқ ва энг бебаҳо неъматдир. Ана шу неъматни эса биз учун буюқ Истиқлол таъминлади. Му-саффо осмонимиз, осийишта турмушимиз, хонадонларимизда болажонларнинг беғу-вор, қувноқ қўлгулари янграб туриши, ҳамма-ҳаммаси Мустақиллик туфайлидир. Собик иттифок тарқалиб кетганидан сўнг қатор қўшни мамлакатларда нотинчликлар, қатто, фуқаролар уруши бўлганини, баъзиларида ҳали-ҳануз барқарорликка эришилмаётганини эътиборга олсак, осудалигимизнинг энг муҳим омилларидан бири - мамлакатимиз раҳбарининг Мустақилликни қўраш, тинчликни сақлаш йўлида олиб бораётган одилона, қатъиятли сиёсати эканлини юрак-юрагимиз билан тушуна-миш. Тушунчимизга эмас, ушбу сиёсатни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаш, ўтказилаётган ислохотларда қамарбастан-лик билан иштирок этишга са-мимий иштиёқ ҳис этамиз.

9 май кунини мамлакатимиз поётахти Тошкентдан бош-

лаб, барча шахар ва қишлоқлар аҳолиси эрта тонгданок муқаддас зиёратгоҳлар сари отланади. "Мотамсаро она" ҳайкали пойга эҳтиром рам-зи сифатида гуллар қўйила-ди. Бу ердаги заррин китоблар саҳифаларини яна бир-бир варақлаб, унутилмас номлар-ни тақорр-тақорр тилга оли-нади. Бу кун қабристонлар ҳам ғавжум бўлади. Марҳум-лар рўҳи шодланади. Ушбу айём "қариси бор - париси бор" хонадонлар нурга қўми-либ, янада мунаввар бўлиб кетади. Ғанимат дийдорла-шулар, эъзозу эҳтиром туй-ғуларига лиммо-лим бўлади. Бу кун - ана шундай муқар-рам, ҳикматга тўла кун. Сира-сини айтганида, мамлақати-мизда Хотира ва қадрлаш ку-нининг шундай - хар йили хар жиҳатдан муносиб нишонла-наётганлиги хар биримиз-нинг зиммामиздаги инсоний бурчларини янада чуқурроқ тушуниб, бекаму кўст адо этишга ўргатади. Ёш авлод вакиллари ота-боболар жа-сорати аънавларини кўз қорачиғидай асраш, тинчлиги-мизни осуда ва осийишта тур-мушимиз қадрига етиш руҳи-да тарбиялади. Келажак ол-дидаги масъулиятни янада зийраклик билан ҳис қилиш-га ундайди. Бундай ибратдан қўнглинг тоғдек ўсади. Умринг беҳуда эмаслигига, Хотира хўрмати, хотира иззати ва унга узий тириклар қадр-қиммати нақадар юксак эканига, абади-ят силсиласи аслида мана шу узвийлиқдан бошланажасига ишонсан киши.

Хотира - абадиёт. У чиндан ҳам инсон умри, меҳнати, заҳ-мати, эзгулик йўлидаги кура-ши беҳуда эмаслигини хар дам, хар сония эслатиб тур-ғувчи ва ҳеч қачон узилмас силсилалар. Бу айни пайтда бизнинг бугунги ва келажак авлодлар олдидаги масъули-ятимизни эслатиб турувчи уйғоқ абадиётдир. Ота-бобо-ларимиз хотирасининг чиро-ғи ҳеч қачон ўчмасин. Зеро, бу чироқ йўлимизни ёритувчи чироқдир.

Хотира ва қадрлаш кунини бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси



● Андижонда «Фьючерс» аънавий халқаро теннис турнири бошланди.

● Гулистон шаҳридаги Ёғи амфитеатрда «Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

● Бухоро шаҳрида «Ипак ва зираворлар» халқаро фестивали яқунланиди.

● Кўп йиллик самарали меҳнати билан Андижон вилояти ривожлантиришга катта ҳисса қўшган 350 нафар аёл Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган кечанинг фахрли меҳмонлари бўлди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Тошкент - ислом маданияти пойтахти» мавзусида китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

● Тошкентда «Спорт олами-2007» халқаро иқтисослаш-тирилган кўргазмаси очилди.

● Пойтахтимизда 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган «Фахрийлар ҳамиша эъзозда» мавзусида ўрашув бўлиб ўтди.

● Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси томонидан 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ташкил этилган ўрашувга уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонлар тақдим этилди.

● Чирчиқ олий таълим қўмондон-муҳандислик билим юртида аънавий «Шун-қорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

● Жиззах давлат педагогика институтини ҳузуридаги 350 ўринли академик спорт мактабининг янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейида 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадиий кўргазма очилди.

● Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Дом стил» дизайнерлар бирлашмаси билан ҳамкорликда «Баҳор-Ез-2007» мавсумий либослар намойиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Тошкент баҳори-2007» биринчи халқаро опера ва балет фести-вали яқунланиди.

● Урганч олимпия заҳиралари коллежиде Республика касаб-ушумалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган республика спартакиадасининг минтақавий босқичи яқунланиди.

Қўшма комиссия мажлиси

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 май кунини Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакатнинг нефть-газ, банк-молия, транспорт, энгил саноат, алоқа ва ахборотлаштириш каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирилик ва идоралари, фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўшма комиссия хамраиси Элёр Ғаниев Корея Республикаси мамлакатимизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг ўрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Корея Республикаси делегацияси раҳбари - ташқи ишлар ва савдо вазирининг

ўринбосари, қўшма комиссия хамраиси Чо Тэ Ёль мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қўрилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий каби қўллаб-қувватлаш, изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президентларимизнинг 2006 йил март ойида Сеулда ўтган музокараси якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди, - деди Чо Тэ Ёль. - Бугунги ўрашувдан қўзда тутилган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар, таълим ва бошқа қўллаб-қувватлаш ҳамкорлигини стратегик шериклик тамойилларига мос равишда янада кенгайтириш имкониятларини қўриб чиқишдан иборат.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг имкониятлари катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 600 миллион АҚШ долларидан ошди, 2007 йилининг январь-март ойларида эса 151,3 миллион АҚШ дол-

лари ташкил этди.

Ўзбекистонда корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган икки юздан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва энгил саноат, металлчи қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди. Корейлик ишбилармонлар билан биргаликда саноатнинг янги тармоқлари ўзлаштирилмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг олтинмига яқин компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида товар айирбошлаш ҳажминини янада ошириш, қўшма корхоналарни қўйатириш, нефть-газ, энергетика, тўқи-мачилик, минерал заҳиралар ва меҳнат ресурслари, таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустақамлашга доир масалалар муҳо-кама қилиниди, ахборот техно-логиялари ва кичик бизнес соҳасида икки томон учун ҳам манфаатли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш юзасидан фикр алма-шилди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

Хозирлик

“Ёшлик” Универсиада иштирокчиларини кутмоқда!

Жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимизда олий ўқув юртилари талабалари ўртасида ўтказиладиган «Универсиада-2007» спорт мусобақаси «Ёшлик» талабалар шаҳарчасини спорт марказига айлантиради. Талабалар учун қадрли ушбу масканда ёшлик, нафосат, шикоят, баркамоллик тисмолига айланган байрамни юқори савидада ўтказиш, спортчи-ю мураббийлар, муҳлису мутахассислар, мезбон-муҳомилар учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларидан иборат уч босқичли улғусиз спорт тизими аҳолини, айнқиса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим оимл бўлмоқда.

Ушбу уч босқичли тизим мусобақаларига мезбонлик қилган Наманган, Жиззах, Фарғона, Андижон, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида тегишли талабалар ва андозаларга мос спорт иншоотлари, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари барпо этилиб, замонавий тарзда жиҳозланди, оммавий спортни ривожлантириш инфратузилмаси шакллантирилди. Бу йил мезбон - Тошкент шаҳрида юқори сифатли спорт иншоотлари қўп бўлса-да, «Универсиада-2007» пойтахтимиздаги олий ўқув юртилари талабаларига янги имкониятларни, ҳусусан, яна бир неча муқтарам спорт иншоотлари, сув ҳавзалари тақдим этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бундай янгиланишларни, айнқиса, «Ёшлик» шаҳарчаси мисолида яқол қўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 11 февралдаги қарорига биноан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил этилган. Ушбу ҳудудда қирқ икки мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Шаҳарчада 26 таълим муассасаси фаолият юритади. Бу ердаги қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника, умумий овқатланиш муассасалари минглаб талаба-ёшларга хизмат қўратади.

Универсиада муносабати билан шаҳарча қўрига қўқ қўшадиган янги иншоотлар қўрилд, мавжудлари қайта таъмирланиб, тевақаратрофи янада ободонлаштирилди. «Ёшлик» шаҳарчасининг қиёфаси янада гўзаллашди.

Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент тиббиёт академиясининг «Ёшлик» шаҳарчасида жойлашган спорт мажмуалари ва сув ҳавзалари мусобақа дастурига қиртилган футбол, сузиш, гандбол, стол теннис, баскетбол ҳамда энгил атлетика бешлашварига мезбонлик қилади. Мазкур спорт турлари бўйича мусобақалар-

ни юқори савидада ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида 50 метрлик усти ёпиқ сув спорт саройи, Тошкент давлат техника университетида 25 метрлик сув ҳавзаси ва замонавий спорт мажмуи, Тошкент тиббиёт академиясида 4000 томошабига мўлжалланган стадион барпо этилди. Мазкур олий ўқув юртилари ҳудудидаги мавжуд спорт иншоотлари қайта таъмирланиб, замон талаблари асосида тўла жиҳозланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, минглаб йигит-қизлар истиқомат қиладиган «Ёшлик» шаҳарчасида шу пайтгача сув ҳавзаси йўқ эди. «Универсиада-2007» мусобақаларига тайёргарлик қўриш жараёнида барпо этилган сув спорт иншоотлари хар қандай нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш билан бирга талабаларнинг сув спорт турлари билан мунтазам шугулланиши учун кенг имконият яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети сув спорт саройидаги синхрон сузиш, сузиш ва сув полоси бўйича секцияларда юзлаб йигит-қиз машғулот ўтказмоқда.

Ушбу сарой халқаро андозаларга мос равишда барпо этилгани билан ҳам аҳамиятлидир, - деди сув спорт саройи директори Чори Саидов. - Унда йил бўйи сув спортининг қўллаб-қувватлаш бўлими мунтазам шугулланиш имкони бор. Чунки саройимиз сувадги ҳароратни бир маромда сақлайдиган ва сувни мутасил тозалайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Тошкент давлат техника университети сув ҳавзаси ҳам талабалар билан ғавжум. Бу ерда тақрибани мураббий ва мутахассислар сузишнинг брасс, чалқанча, комплекс ва эркин турлари бўйича тўғарақ машғулотларини ўтказмоқда.

Универсиада давомида иштирокчиларнинг аксарияти - вилоятлардан келган мингдан зиёд спортчи ва ҳакамлар «Ёшлик» шаҳарчасидаги талабалар тураржойларида истиқомат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан талабалар тураржойлари бугунги кун нуқтаи назари, талаба-ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қалитал таъмирланиб, уларда замонавий шарт-шароит яратилгани мусобақаларнинг юксак савидада ўтишига хизмат қилади.

«Универсиада-2007»да Тошкент шаҳри, Қоракалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар терма жамоалари спортнинг ўн икки тури - баскетбол, кураш, бөлбоғи кураш, волейбол, энгил атлетика, теннис, стол теннис, шахмат, футбол, гандбол, сузиш ва дзюдо бўйича кўч синашади.

Шаҳарча Универсиада иштирокчиларини кутмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Чигирткага қарши чоралар

Республикамизнинг иқлим шароити чигирткаларнинг яшаш ва ривожланиши учун қўлай бўлиб, хар йили катта майдонларда тарқалиши мумкин бўлган ушбу очофат хашаротлар қишлоқ ҳўжалик экинларига зарар келтириш хавфини тўғдиради.

Яйловлар чигиртка қўпаядиган асосий майдон ҳисобланади. Кўп қисми қир-адирликлардан иборат Жиззах вилоятида ҳам ушбу хашаротларга қарши кураш жараёни қизғин бормоқда.

- Жорий йилда вилоят бўйича 824 минг гектар майдонда чигиртка қўпайиши башорат қилинган эди, - дейди вилоят чигирткага қарши курашиш тадбирлари бўйича масъул мутахассис Илаш Аҳроқов. - 86500 гектар ерда қимёвий ишлов бериш қўзда тутилган бўлиб, ҳозирги қўнғача 63,3 минг гектар ерда 871 та зараркунан-далар учоғи ва ОВХ-600 трактори ҳамда К-45 маркали қўл пурақичлари ёрдамида қимёвий ишлов беришмоқда. Ушбу зараркунада хашаротларга қарши курашишда қўнчаларнинг ҳам хизмати асқотаётди. Улар чигиртка учоғларини аниқлашда бизга қўмак бериш билан биргаликда уларни йўқотишда ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқда. Яъни, ўша жойларда қўйларини боқийапти. Чунки, қорва туёғи остида харна ўнта-юзта чигиртканинг нобуд бўлгани ҳисоб.

Йўлимиз Фориш туманига тушди. У ердаги ишлар билан танишдик.

- Туман бўйича бир миллион гектар ер бўлиб, унинг 393 минг гектари яйловлардан иборат, - дейди назоратчи Аллаёр Сунатов. - Шу билан бирга, Айдар-Арнасов қўллар тизимининг асосий қисми шу туман ҳудудида. Тоғ ёнбағирларида мароқаш, қўллар атрофида эса Осиё чигирткасининг катта гуруҳлари учрайди. Айни пайтда уларга қарши курашишни бошлаб юбордик. Бу борада қимёвий ишловлар бериш бораборида уларнинг уруғлари (қошқор тупроққа қўйган қўзачалари)ни йўқотиш устида ҳам иш олиб бормоқдамиз.

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири

Қишлоқ мулкдорлари учун минитехнологиялар

Бугун Тошкентда «Agromhitech-2007» қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва илҳам ускуналарнинг 11 Халқаро иқтисослаштирилган кўргазма-савдоси иш бошлайди.

Унда Германия, Венгрия, Италия, Бельгия, Австрия, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Хиндистон, Украина каби давлатларнинг юзлаб фирма ва компаниялари ўзларининг замонавий қишлоқ ускуналарини савдога қўяди. Минитехнологиялар ва илҳам ускуналар олиб келувчи компаниялар божхона тўловлари, шунингдек, бу ускуналарни сотишда қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади.

Кўргазма-савдо ташкилчилари - Ўзбекистон фер-лар уюшмасидан маълум қилишларича, аксарият қишлоқ мулкдорлари мева ва сабзавотларни қўришти, ундан шарбат олиш, помидор, сўт ва гўшти қайта ишловчи, қоракўл терига ишлов бериувчи ҳамда қадоклаш ускуналарини харид қилиш истганини билдиришган.

Ташкилотчиларнинг айтишича, аънавий тус олган кўргазма-савдонинг самараси бекиёс бўлиши кутуляпти. Бунда бевоосита Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган 11 Халқаро кўргазма-савдода тўпланган бой тажриба асқотди. Ёслатиб ўтамыз, ўтган тадбир давомида 14 мингга яқин фермер ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаси вакиллари қамраб олинди, улар томонидан 198 миллиард сўмлик шартнома, аҳдлашув баённомаси ва буюртма имзоланган эди. 8 майдан 14 майгача давом этадиган бу йилги кўргазма-савдо ҳам ана шундай ўзаро келишувларга бой бўлади.


Саид РАҲМОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Дунё саҳнасида

Дунёда рўй бераётган сўнги воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан газетамизнинг 5-саҳифасида танишасиз.



Спорт оламида



Спорт оламида юз бераётган сўнги янгиликларни газетамизнинг 6-саҳифасида ўқийсиз.



Яна ёмғир ёғадими?

Бугун республикамизда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Баъзи ҳудудларда кечаси монокалдирик бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Харорат кечаси 5-10 даража илғи, кундузи 18-23, 25-30 даража иссиқ бўлади. атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда.

9-11 май кунлари ҳаво очик бўлади. Фақат 11 май кунини Қоракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида монокалдирик бўлиши ва қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Харорат кечаси 7-12 даража, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади. Шу кунларда шимолли ҳудудларда харорат 2-7 даражагача тушиши мумкин.

12 май кунини республикамизнинг баъзи туманларида монокалдирик бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғди.

Тоғли туманларда ҳаётнинг ушбу беш кунда ўзгарувчан об-ҳаво кўзатилади. Бугун ҳамда 12 май кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғди. Қолган кунлари ҳаво очик бўлиши башорат қилинмоқда. Шамолнинг тезлиги 7-12 м/с. 8-9 май кунлари харорат кечаси 0-5 даража, 10-12 май кунлари 7-12 даража илиқни ташкил этади. Шу кунларда кундузи 8-13, 17-22 даража атрофида иссиқ бўлиши башорат қилинмоқда.

Хотира — муқаддас, қадр — сарбаланд

Эзгулик асло унутилмайди

Уруш йиллари эди. — Фронтига маблағ йиғилди. Ким нима топса берапти. Биз ҳам жим турсак бўлмас, — деганича онаси узатган чойни ҳўплади Отажон ака.

Файзи буви ўғлининг одатини яхши билади, бир қарорга келдики, албатта, сўзининг устидан чиқади. Шундай бўлди ҳам, Отажон ака эртаси кунни сизирларини сотиб, фронт учун маблағ йиғаётган котиб олди-га борди ва пулни стол устига қўйди, унга тикилиб турган котибга деди:

— Отажон Юнусбой ўғлидан 50 минг сўм, эзинг. Хали бунча ёрдам пулини қўймаган котиб бир оз ажаблангандай бўлди-да, сўнг ёза бошлади.

...Махалламизда бир ишбилармонимиз бор. У учта "Дамас" русумли машинасини ижарага берган. У ўзинча ярим ҳазил, ярим чин оҳангда: — Учта "соғин ситирим" бор. Шуларнинг орасидан тирикчиликни амал-тақал ўтказиб турибмиз, — деб қўйди.

Бир кун кўчада учрашиб қолдик. — Тинчликми, шошиб қайсиз? — сўрадим.

— Махалла идорасига, болаларнинг нафақа пулини беришга келдик экан. Ҳарна, рўзгор йиртигига ямоқ бўлиб қолар, — деди-ю машинасини ўт олдириб кетди.

Очарчилик йилларида охириги нонини ҳам эл билан

баҳам қўрган Отажон бува-нинг отада уй суриб келаётгани тасаввуримда жонланди. Тўғриси, ишбилармон қўшни қўшимга жуда кичкина бўлиб қўйиб кетди. "Садҳан одам", деб қўйдим ичимда. ...Халқимизда уй олма, қўшни ол, деган мақол бор. Раҳматжон деган одам қўшнига сира ёлчимади. Кун ора ён қўшнанинг жанжаллашавири-шидан безор бўлганидан уй-жойини сотишга аҳд қилди. Нариги маҳаллага кўчди. Янги уйни бадалидан анчагина қарз ҳам бўлиб қолди.

Лекин Раҳматжон аканинг хурсандчилиги узокқа бормади. Оғир дардга чалиниб ётиб қолди. Икки йиллар чамаси давом этган хасталикдан сўнг вафот этди. Имом жаноза намозини ўқидан аввал:

— Марҳумнинг бўйида қарзи бор экан, шу қарзни узиб қўйдиган яқинлари борми? — деб сўради.

Одатда, бундай ҳолда қарзни аввал ўғил бўйига олади. Ёлғизгина ўғил эса хали ўн ёшга тўлмаган нора-сида эди.

Ичкаридан, аёллар томонидан катта қизининг йиғиси эшитилди:

— Мен тўлайман, келинлик сепларимни сотиб бўлса ҳам тўлайман! Фақат дадажоним бўйида қарз билан кетмасин!

Хамманинг юраги эзилиб турар, лекин ҳеч ким миқ этгани журъат эта олмади.

Отажон ака жимликни бузиб сўради;

— Раҳматжоннинг қарзи кимдан экан? — Уртага тўладан келган Абдували қасосиб чикди.

— Унда менинг ҳақим бор эди. Мана шу ҳовли ҳисобидан — деди у.

— Абдували, мана бу воёга етмаган болани қўриб турибсан. Агар шу сағир боладан ҳам ҳақимни оламан десанг, бечора етимга зулим қўйган бўласан. Сенинг касби-корингга барака берса ҳеч гап эмас. Сен ўзинг нима дейсан? Бу ёғи ўзингга ҳавола.

Шу вақтгача Отажон аканинг гапини биров икки қилган эмас. Қолаверса, жанозага йиғилганлар ҳам Отажон

Ибрат

— Раҳматжоннинг қарзи кимдан экан?

— Уртага тўладан келган Абдували қасосиб чикди.

— Унда менинг ҳақим бор эди. Мана шу ҳовли ҳисобидан — деди у.

— Абдували, мана бу воёга етмаган болани қўриб турибсан. Агар шу сағир боладан ҳам ҳақимни оламан десанг, бечора етимга зулим қўйган бўласан. Сенинг касби-корингга барака берса ҳеч гап эмас. Сен ўзинг нима дейсан? Бу ёғи ўзингга ҳавола.

Шу вақтгача Отажон аканинг гапини биров икки қилган эмас. Қолаверса, жанозага йиғилганлар ҳам Отажон

акага ҳамфиқр бўлиб туришибди. Бир оз жимликдан сўнг Абдували кўксига қўлини қўйиб:

— Йиғилганлар гувоҳлигида айтаман, мен марҳум Раҳматжондан ҳақимни кечдим!

— Ха, баракалла! — деб юборишди оқсоқоллар ҳам беихтиёр.

Бу воқеа Отажон аканинг ҳаётидан бир қатра холос. У бир умр эл билан бирга бўлди. Кўпчиликининг шодлигига қўшилиб қувонди, ташвишли кунларида елкадош бўлди. Пойтўғ атрофида тўй бўладими ёки маърака маросимлари бўладими, албатта, Отажон ака бош бўлиб турарди. Маҳалла оқсоқоллари ҳам у кишидан бемаслаҳат иш қилишмасди. Маросимларда ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликка йўл қўйилмасди.

Дарҳақиқат, Отажон Юнусови эхтиром билан Пойтуғ шаҳрининг улугларидан эди, дейиш мумкин. Баъзида ўзаро суҳбатларда меҳр-оқибат қамаяптими деб нолиган бўламиз. Отажон Юнусов сингари эзгулик одамларининг ўрни билинаётгандай туюлади.

Анвар ҲАЛИМОВ,
Андижон вилояти.

Уруш ўз номи билан уруш-да! У ҳеч кимга шафқат қилмайди. У ёш, қари — барчани ўз исқандарига олади. Тақдиримизда бор экан, бизнинг айни йиғилик чоғимиз ўша машҳур иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Эл бошига келган қўрилишни, деб мен ҳам қон кечишга мамлакатимиз, халқимиз, қариндош уруғларимиз, оила-аъзоларимиз тинчлиги учун қўлимга қурол ушлашга, мажбур бўлдим.

Тинчликка нима етсин

Мана шундай оловли жангҳоқлардан омон қайтишга, бугунгидай дорилармон замонларга етиб келдим. Ёшим саксондан ошиб, мустакил Ўзбекистонимизнинг ёруғ кунларини қўриш ҳам насиб этди.

Айтишимизда бевоситамиз раҳномоларимизга, ҳужаҳон уруши қатнашчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Махсус фармонлар қабул қилиниб, ижтимоий ҳимоя сифатида турли кўмаклар берилмоқда. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлапти. Бу эса кўнглимизда юксак фахр туйғусини уйғотди. Яратганга шукри, бугун мен қатори урушдан омон қайтган дўстларимиз тинч замонда умрғуздорлик қилмоқдамиз.

Норбек БОБО МУСУРМОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси.

керакки, юрти-та Президенти-лигида қария-сусан, Иккинчи

Шукрона



— Сафдошингиздан мактуб келибди.

Беморнинг бошида, ночорнинг қошида эди

Қумқўрғонда Иноят Солиева номи билан аталган кўча бор. Опани Сурхондарёда яхши танишган, ҳурмат қилишган, эъзозлашган. Элни-нинг, юртнинг онахонига, меҳрибонига айланган омон эмас. Бу ҳар кимнинг қўлидан келмайди.

Иноят Солиеванинг ҳаётидан ўтганига ўн йилдан ошди. Лекин ҳамон одамлар юрагидан яшаб келаяпти.

— Мен қизлари бўламан, — дейди Фотима Аскаралиева, — аям, 1931 йили дадалари билан Намангандан Сурхондарёга келишган. Аям ёш бўлганлар. Биз фарзандларига кўп ҳикоя қилиб берадилар. Энг қўйини уруш пайти бўлган. Ҳамма эркаклар уруш-

га кетган. Далада ким ишлай-ди? Аёллар, қизлар... Қанча болалар, кексалар бор, уларни боқиб керак. Урушга қувват қаердан боради? Далалардан-да! Пахта экилган, галла экилган. Чорва боқилган. Аям бир сафар "Аёлни-нинг жони қирқта эмас, қирқ мингта экан" дедилар.

Иноят Солиева элни жонидан суйган аёл бўлган. Опа урушдан сўнг ҳам отдан тушмади. Беморнинг бошида, ночорнинг қошида бўлди. Ҳеч кимдан ёрдамни аям-ди.

— Иноят Солиева элнинг онаси эди, — дейди кекса

отакон Усмон бобо Сувонов, — мен яхши биламан, урушдан анча кейинги йиллар эди. Опа қишлоқ кенгашида раиса бўлиб ишлади. Қайнона-келин келишига қолдимиз. Иноят опа борардилар. Дилларини дилларига боғлаб келарди. Обруйи жуда баланд бўлганиданим, қайсар кишилар ҳам у кишининг олдида оғир табиат бўлиб, ўзини ўнглаб оларди.

Ха, оғир кунларда жонига жон, вужудига дармон бўлган фарзандларини бугун ҳам, эртага ҳам юрт унутмайди.

Менгюр ОЛЛОМУРДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири,
Сурхондарё вилояти

Ёдонома

Уруш кўрган кишилар

Қаршимда менга чой қайтаришимга ҳам розилик бермай, ўзи қайтариб, менга чой узатган Сайид бобо нигоҳида уруш кўрган — жасур нигаҳ билан юзмаюз бўлдим.

Сайид Солихбоев 1937 йилда Каттақўрғон шаҳридаги педагогика билим юртини аъло баҳоларга тугаллаб, Ўзбекистон Давлат Университетининг биология факультетига ўқишга кирди. 1941 йил ўқишни муваффақият билан тамомлади...

Одамлар тонг уйқусида эди. Қўкқисдан бошланган ҳужум ила элу элат уруш хабари билан тонгнинг қаршилади. Ёш, навқирон, бундан олдин ҳам очарчиликни, ҳақатчиликни, оғриқни, азобни бошидан кечирган Сайид Солихбоев ўз инон-ихтиёри билан фронтга отланди.

1942 йилдан то уруш тугагунга қадар 336 - Бош қўмондон ихтиёридаги замбарак артиллерия полкида аъло командири, артавизин разведка бошлиғи ва сўнггида батарея командири лавозимларида хизмат қилди.

Урушнинг тугаллинишига қадар бўлган вақт ичида биринчи Украина fronti ихтиёрида бўлиб, Висла, Одер, Нейс, Шпрет дарёларини ва Телтов канални кечиб ўтиб, Берлинни ишғол қилишда, Прагани озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашди.

Хали уруш қалбидан битар-бобо хорижга қарай билан эрда чекига тушган жанговар топириқни муваффақиятли адо этиб, тинч меҳнат қўйнига шўнғиди.

Сайид Солихбоев чорак аср ичида "Тамаки ферментлаш биришмаси"га раҳбарлик қилди. Нафақага чиққан, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси бўлиб ишлади. Ҳозир қарилқ гаштини сурмоқда. Ўн беш нафар нева-ра ва эвараларнинг суюкли боболаририд.

Сайид бобо билан учрашганда нигоҳида изтиробларни, азобларни ҳамон қалбида, вужудидида уруш фожиялари яшаётганлигини кўрдим.

Биз улардан халқпарварлик, камтарлиқ, меҳрибонлик, содиқлик каби буюк тушуналарини сабоқ дарси сифатида ўрганоғимиз керак.

Афсус, минг афсус, уларнинг сафи жуда оз қолди. Айни бугунги кўннинг қаламашлари ана шундай оталаримиз, оналаримиз хотирасини китобларга муҳрламоғи керак, деб ўйлайман. Уларнинг бебаҳо ўғитлари, ибратли хотиралари, бой ҳаётий тажрибалари биз учун бебаҳо ҳазина, чинакам жасорат мактабидир.

Абдурашид
НУРМУРДОВ



Олтмиш икки йилдан кейинги дийдорлашув

Фахрийларга ғамхўрлик кўрсатиляпти

Вобкент тумани марказида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Холмурод Содиқов хасталикка чалинган. Дардига малҳам берган шифокорлар уни оиласи бағрига қайтаришди. Фарзандлари атрофидан жилишмайдилар. Аммо ўз обғинг-да юриб ҳовлига, маҳаллага чиқмасанг... қиқолмасанг қийин экан.

Ана шу паллада туман ижтимоий таъминот бўлими ёрдам қўлини чўзд. Холмурод отага ногиронлик арачаси олиб берилди.

— Шу кўнлар-шукр, — дейди даҳшатини кўрди. Эсла-хали-хануэ алланечук бўлиб кетди. Тинчликнинг, шундай фаровон кўнларнинг қадрига етинг, болаларим, дейман.

— Уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш, уларга маддҳор бўлиш ҳам қарз, ҳам фарз, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Муҳиддин Бердиев. — Туманимизда жами етмиш тўққиз нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Фронт ортида меҳнат қилган 1106 нафар фахрийларимизга ҳам алоҳида ғамхўрлик қиламиз. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида ҳомийларни жалб этган ҳолда уруш қатнашчиларининг ҳар бирига йиғирма беш минг сўмлик совғалар тарқатдик. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ҳар бир уруш фахрийсига ҳомийлар бириктирилган. Бу ҳамкорлик уруш ва меҳнат фахрийларига аниқ манзилли ёрдам уюштиришда қўл келаяпти. Масалан, ўтган тўрт ойда туман бўйича Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари учун бир миллион сўм маблағ сарфланиб, таянма арава, эшитиш мосламалари ва бошқа жиҳозлар олинди. Пермас кишлоғилик Бозор Севинов, хайрбодалик Темир бобо Бақоев каби қўллаб-қувватловчи отахонлар мамлакатимиз сийхатҳоқларида бўлиб, соғлиқларини тиклашди.

Музейдаги дарс

Бухоро шаҳридаги қатор касб-хунар коллежлари таълимчиларининг шу ердаги "Хотира" музейига келиб, устозлари бошчилигида сабоқ олишлари одатий ҳолга айланди.

Айни пайтда музей БухДўнинг Фирдавсий номидаги ахборот-ресурс маркази билан бир бинода фаолият кўрсатаяпти. Университетнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳам иш бошлагани тўғрйли маскан янада ғажуулашиб қолди. Негаки, марказда Бухоро ва Навоий вилоятлари ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида ишлаётган педагоглар ўқиш жараёнида музей билан яқиндан танишяптилар.

Истам ИБРОХИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

«Доимо эъзоздамыз»

Нукуслик 85 ёшли Мамбетниёз ота Мамбетсапаев машҳур қирғизларот воқеаларни кечагидек яхши эслайдилар.

— Ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, фронтга отландик, — дейди Мамбетниёз ота. — 3-Украина fronti армияси сафидида хизмат қилдим. Запорожье вилояти худудидида олиб борилган жангларда кап оёғимдан жароҳатландим. Бир ойдан кўпроқ даволаниб, яна қуролдошларим сафига қўшилдим. Украинанинг қўллаб-қувватловчи отахонлардан тозаланди. 1944 йили ёз ойида Тернополь шаҳри учун бўлган жангда энди чап қўлимдан оғир жараландим.

Урушда кўрсатган мардликларини мен неча орден-медаллар билан тақдирланган Мамбетниёз Мамбетсапаев тинчлик йилларида Кенгес, Қораўзақ ту-

Меҳр

манларида, Нукус шаҳрида турли соҳаларда меҳнат қилди.

— Фарзандларимни, набираларимни қўриб қувонаман, мустакилликка, тинчликка, бугунги дорилармон кўнларга шукр қиламан, — дейди ота. — Президенти-мизга, ҳукумати-мизга минг раҳмат. Ҳеч бир йил йўқми, ҳеч бир байрам тадбир йўқми, биз ғамхўрликдан бебаҳра қолмас.

Довуд АБИДУЛЛАЕВ



— Ўша кўнлар ёдингиздами?

Бугун Наманган вилоятига қадам ранжида қилган киши, албатта, она табиатнинг энг гўзал манзараларига гувоҳ бўлади. Қамчиқ довонида қоқ бошланган бетакор мафтункорлик, соф ва мусаффо ҳаво эпкини қалбини ўзгача ҳиссийлар билан бойитади. Чор-атрофини буркаган яшиллик кўзингизни қувонтиради. Фусункорлик касб этган далаю боғлар, қир-адирларга нечоғли тикилманг, барибир тўймайсиз. Бу йилги баҳор наманганлик деҳқонлар учун синово палласига айланди. Тинимсиз ёққан ёмғирлар туфайли бошқа жойларда бўлгани каби вилоятда ҳам далага чигит қадаш ишлари бир оз чўзилди. Аммо, ернинг ҳақиқий эгалари – фермерлар табиат инжиқликларини сабр-тоқат ва катта уюшқоқлик билан енгитишди. Бу борада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти беқиёс бўлди.

Энг муҳими, ҳар бир фермер ҳақида ҳукуматимиз ва шахсан Ўртабўшимизнинг ҳам-хўрлигини ақлоқ ҳис қилиб турди. Кўтаринки кайфият ҳамда мулкдорлик ҳиссининг

чиқаришга, 32 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, 24 фоизи айланма маблағлари тўлириш ҳамда қолган қисми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш со-

даражадаги хизматни тақдим этиш учун тинимсиз изланиш-далар. Бу борада қатор янгиликларга қўл урилганлиги, фермер, тадбиркор, ишбилармон, хуллас, ким бўлишдан қатъи назар, ҳар бир мижознинг қўнғилига қараб, индивид муносабатларнинг қарор топ-тирилганлиги, банк хизматлари соҳасида янги-янги хизмат турларининг жорий этилиши мижоз манфаати устувор эканлигини яна бир қарра исбот-лайди.

Эл равнақи йўлида

Наманган вилоятидаги акциядорлик тижорат банклари ичидан "Ўзбекистон Миллий банки" вилоят бўлимининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, банк жамоаси эл-юрт равнақи, мижоз манфаатини бирламчи вазифа сифатида баҳолайди. Банк томонидан амалга оширилаётган молиявий опера-циялар, бу ерда жорий этилган янги хизмат турлари қўла-мига эътибор қаратсангиз,

ҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. 2007 йилнинг биринчи чо-раги давомида жами 411,1

тобора ортиб бораётгани кел-гуси мўл ҳосил учун тамал то-шини қўйди. Захматли меҳнат ортидан залварли роҳат кели-ши, энг асосийси, бугунги ҳаракат эртага баракага айлани-ши, оғирлар донга, дастурхонлар бўрсидоқ нонга тўлиши, ҳисоб рақамлар эса мўмай даромадга бойишини яхши англаган мулкдорлар даладан бери келишмади. Инфратузилманинг фермер манфаатини кўзлаб ташкил-лаштирилгани ҳам уларга бир-мунча қўл келди. Машина-трактор паркларининг бемин-нат кўмаги, ёқилғю ўғитнинг дала бошига етказиб берили-ши, банк хизматининг аъло даражага кўтарилгани сингари омишлар наманганлик мулк-дорларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қилди.

Айни кунларда эса дала юмушлари аважга чиққан. Кенг майдонларда турли русумда-ги техникалар ким ўзгарга наъра тортмоқда. Деҳқонлар-нинг қўли-қўлига теғмайди. Қўмирилган қор бориқ, барча-барча қўлам ташвишлари билан банд. Бунёдкорлик тўйғу-си билан яшаётган вилоят аҳлининг эзгу ниъатлари, ёрқин орзулари мана шу сай-ҳара-катларда ўз ифодасини то-паётгандек, гўё. Бу жараён за-мирида одамларнинг бутунги кундан розилиги, шу эл учун, шу юрт учун ёниб яшаётган оташқалб инсонларнинг эртан-ги кунга бўлган ишонч ётиб-ди, десак янглишмаймиз.

Мулкдор таянчи

Республика Марказий бан-киннинг Наманган вилояти Бош бошқармаси ва унинг тевара-гига жипслашиб фаолият юри-таётган акциядорлик тижорат банклари бошқарма ва фили-алларининг иқтисодийни ри-вожлантириш, амалга ошири-лаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, кичик бизнес-ни равнақ топтириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш сингари қатор эзгу мақсадлар йўлида бир ёқадан бос чиқар-иб ҳаракат қилиши натижа-сида вилоятда ўтган 2006 йил давомида кўзга қўйнарли ютуқларга эришилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шах-сий ёрдамчи, деҳқон ва фер-мер хўжалиқларида чорва мол-ларини кўпайтириш рағбат-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида кам таъминланган оила-ларга вилоят тижорат банклари ҳамда "Иш билан таъминла-шга кўмаклашиш жамғармаси" томонидан жами 2,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар-нинг ажратилганлиги вилоят иқтисодийнинг кўтариш, одам-ларни иш билан банд этишда муҳим омил бўлди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 3224 та хонадонга 3241 қорамол, шун-дан 2693 бош сигир сотиб оли-нди. Бу эса ана шунама кам таъминланган оиланинг рўз-го-рига барака кирди, яна шуна-одам иш билан таъминланиш, меҳнат дафтарчасига эга бўлиш ҳамда шу орқали келажақда нафақа олиш имкониятини қўлга киритди, дегандир.

Ўтган 2006 йил мубайни-да вилоятимиз банклари томо-нидан кичик бизнесни ривож-лантириш, янги иш ўринлари-ни яратиш ва бошқа бир қатор хайрли ишлар учун кичик биз-нес субъектлари, деҳқон ва фер-мер хўжалиқлари барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 900,8 миллион сўмлик кредит-лар ажратилганлиги, - дейди Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси бошлиги Собиржон Файзуев. - Жорий йилда эса банклари-нинг ўз маблағлари ҳисобидан яна 13 миллиард 693 миллион сўмлик кредитлар ажратили-ши режалаштирилган. 2007 йил-нинг дастлабки икки ойи мо-байнида 2 миллиард 847 мил-лион сўмлик кредитлар ўз ага-ларига топширилди. Ажратил-ган кредитларнинг 30 фоизи санаёт маҳсулотларини ишлаб

миллион сўм, шундан тижорат банклари ҳисобидан 269,8 миллион сўм ҳамда "Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси" ҳисобидан эса 142 миллион сўмлик имтиёз-ли кредитлар ажратилди. Маз-кур маблағ вилоятдаги яна 573



та кам таъминланган оила-ларга қорамол сотиб олиш учун йўналтирилди.

Вилоятдаги мавжуд банк-лар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам анча-гина фаол иш олиб боришмоқ-да. Жумладан, Ўзбекистон Ре-спубликаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшма-ча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтган йили 1465 нафар тадбиркор аёлга 1 мил-лиард 641 миллион сўмлик, шу йилнинг биринчи чо-раги да-вомида эса 424 та ишбилармон аёлларга 610,5 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит-лар берилди. Шунингдек, ки-чик бизнес субъектлари ми-нитехнологиялар сотиб олиб беришдек хайрли анъана ҳам банклар фаолиятининг устувор йўналиши сифатида қайд эти-лади. Бу йил ана шу мақсад учун тайёрланган 71 та лойи-ҳа асосида вилоятдаги фермер-лар ҳамда тадбиркорларга қўй-мат 2,2 миллиард сўмлик ми-нитехнологияларни келтириш режалаштирилган. Айни пайтга қадар 33 та лойиҳа буйича 198 миллион сўмлик минитехнология учун кредит маблағлари ажратиб берилди.

Банклар нафақат иқтисо-дийтизмиз қон томири, балки фермеру тадбиркорларнинг энг яқин кўмақдоши, шойрона қилиб айтганда, қанотига ай-ланмас экан, мамлакатимиз аграр соҳасида амалга ошири-лаётган ислохотлар кутилган натижани бериши даргумон. Президентимиз 2006 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисо-дий ривожлантириш ақуларни ва 2007 йил иқтисодий исло-хотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналиш-ларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мақсадида сузла-ган маърузасида таъкидлагани-дек, "Банк фермернинг орти-дан юрсагина, тараққиёт, ри-вожланиш бўлади". Буни те-ран англаган наманганлик банк ходимлари энг яхши ва аъло

юқоридаги фикрнинг бежиз айтилмаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Фаолиятимизни Ўртаб-ўшимиз Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни иқти-содий-иқтисодий ривожланти-риш ақуларни ва 2007 йилда

қилинган ва режа 83 фоизга бажарилганлиги. Бу кўрсаткич 2007 йилнинг 1 январь ҳола-тига қарийб 2,1 баробарга оширилиб, режа 380 миллион сўм, дея белгиланди. Банк жа-моасининг сай-ҳаракатлари, мижозларнинг ҳам "Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин", деган ҳалқ мақоли за-миридаги ҳақиқатни тушуниб етганликлари туфайли режа 167 фоизга ўзгаради. Комму-нал тўловлардан нақд пул ту-шуми 635,9 миллион сўмини ташкил қилди. Бу ўтган йилга нисбатан 490,7 миллион сўм қўп дегандир.

"Миллий банк"нинг Наман-ган вилояти бўлими жамғар-ма амалиётлари борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришаёт-ти. Миллий валютлада аҳоли омонатлари 2007 йил 1 апрель ҳолатига қўра 4478 миллион сўм қилиб белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда 3384,28 мил-лион сўмлик аҳоли омонатлари қабул қилинган. Бу эса белги-ланган режа 76 фоизга бажар-илганлигини англатади.

Айни пайтда омонатчилар сони 47900 нафарни ташкил қилмоқда. Мазкур рақам 2007 йил 1 январь ҳолати билан солиштирилса, ўтган ў ой даво-мида банк мижозлари сони яна 802 тага ошганлиги ой-динлашди.

- Биз банк тизимида аграр соҳа вакиллари аъло даража-да хизмат кўрсатишни энг дол-зарб вазифалар сирасига кир-итганмиз, - дейди М.Жаббо-ров. - Жумладан, 2006 йили жами 804 нафар фермерга пахта ҳосили етиштириш учун 4672,2 миллион сўм, галла етиштириш учун эса 1204,9 миллион сўм миқдорда им-тиёзли кредитлар ажратилган-ди. Айни пайтга мазкур кре-дитлар тўлиқ сўндирилди.

Бу ҳаракат жорий йилда кенг қўлама амалга оширил-моқда. 2007 йил 1 мартгача 670 та фермер хўжалиқлари галла етиштириш учун 509,3 миллион сўм миқдорда кре-дит ажратилган бўлиб, шундан



ки, бугунги кунда нима қўп, банк қўп. Биридан қўнғил тўлмаган мижоз дарҳол бош-қаси билан иш юритишга ўта-ди. Ана шу оддий ҳақиқатнинг замирида икки томонлама ман-фаат ётганини тўғри тушушган

банк ходимлари мижоз манфа-атини юқори тутишга инти-лишмоқда. Бу эса мижоз ва банк ўртасидаги ишонч кўприкларининг янада мустаҳ-камлаб боришига замин яратмоқда.

"Миллий банк"нинг вилоят бўлими томонидан 2007 йил-нинг дастлабки икки ойи мо-байнида пенсия тўловларига 9970 миллион сўм, бюджет ташкилотлари иш ҳақига 603 миллион сўм, бошқа ташкилот-ларга 1828 миллион сўм иш ҳақи тўловлари ўз вақтида нақд пул билан таъминланди. Шунингдек, банк вилоят бўли-мининг 2007 йил биринчи чо-рагига белгиланган нақд пул ту-шуми прогнозга нисбатан 104 фоизни ташкил этди. Яъни, белгиланган 16349 мил-лион сўм ўрнига нақд пул ту-шуми 17055,2 миллион сўмини ташкил қилди. Шу муддат мо-байнида алкоғоль маҳсулотла-ри сотишдан 385 миллион сўм, тамаки маҳсулотлари со-тишдан 1018 миллион сўм, ўсимлик ёғи савдосидан 302 миллион сўм, бензин ва ди-зель ёқилғиси сотишдан 895 миллион сўм, жами акция мар-кали маҳсулотлар савдосидан 2600 миллион сўм нақд пул банк кассаларига келиб туш-ган. Коммунал тўловлар тушу-ми борасида ҳам банк жамоа-си амалга ошираётган ишлар қўламини анчайин салмоқли қўриниш касб этади. Буни ол-динги йилги натижалар ўтган йилгиси билан ўзаро таққос-лангандаёқ қўриш мумкин. Масалан, коммунал тўловлар режа топшириги 2006 йил-нинг 1 январь ҳолатига 175 миллион сўмини ташкил этиш-ча қарамай, амалда 145,1 мил-лион сўмлик тўловлар қабул

Буюртма берилган барча маб-лағлар ўз вақтида тўлиқ келиб тушди ва тўлиқ сарфланди. Айни пайтда фермер хўжали-ларининг муваққат ҳисоб ра-қамларида қолдиқ маблағлар мавжуд эмас.

"Миллий банк"нинг вилоят бўлими галлакорларнинг оғирини енгил қилишда ҳам мактовга лойиқ ишларни олиб бормоқда. Жорий йил Наман-ган вилоятига келтирилиши кўзда тутилган 15 та "Домина-тор-130" комбайнидан 5 таси айнан "Миллий банк" томо-нидан молиялаштирилган. Банк "Ўйчи туман МТП", "Абду-райим" фермер хўжалиги, Чуст туманидаги "Чуст Говасой Тоғ олмаси" агрофирмаси, "Жура Маҳмуд Холмамат ММТП", Чор-тоқ туманидаги "Ойқирон ми-ришкорлари ММТП"га 5 та "Класс Доминатор-130" русум-ли комбайнлар учун жами 611,5 миллион сўм миқдори-да кредит маблағларини аж-мини ошириш борасида амалга ошираётган эзгу иш-лари хусусида тўлқинлиб су-зладилар. "Киройи банк де-дари шундай бўлиши ке-рак!" дея "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки-нинг Наманган вилояти бош-қармаси ходимларини ти-нимсиз алқадилар.

Қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

Сўнгги йилларда банк тизи-мида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар сези-ларли бўлиб, барча банк му-носабатлари иштирокчилари-ни бафрак қолдирмаётган, де-мас адашмаймиз. Бу борада, албатта, ҳукуматимиз ва шах-сан Президентимизнинг соҳа-

га ишондим. Юқоридаги каби дил сузларни Наманган шаҳрида-ги "Қодирхон Автосервис" хусусий корхонаси раҳбари Б.Жабборов, "Хамкор-97" ху-сусий фирмаси раҳбари Р.Насриддинов, "Яндамзоо-ветсервис" хусусий фирмаси раҳбари К.Қўнонов, Мингбу-лоқ туманидаги "Ахмадшер" фермер хўжалиги раҳбари Т.Қирғизов, Поп туманидаги "Фарангиз Хайрулло табиб" хусусий фирмаси раҳбари Л.Мўйдинов, Наманган тумани-даги "Бог кўча" хусусий фирмаси раҳбари А.Тўраб-оев ҳамда яна бир қатор мулк-дорлар, тадбирқору ишби-лармонлардан эшитдик. Уларнинг барчаси "Микро-кредитбанк"нинг аҳоли ман-фаатларини ўйлаб фаолият юритиши, мамлакатимизда ки-чик бизнес субъектларини ривожлантириш ва уларнинг ялли ички маҳсулотдаги аж-мини ошириш борасида амалга ошираётган эзгу иш-лари хусусида тўлқинлиб су-зладилар. "Киройи банк де-дари шундай бўлиши ке-рак!" дея "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки-нинг Наманган вилояти бош-қармаси ходимларини ти-нимсиз алқадилар.

Қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

Сўнгги йилларда банк тизи-мида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар сези-ларли бўлиб, барча банк му-носабатлари иштирокчилари-ни бафрак қолдирмаётган, де-мас адашмаймиз. Бу борада, албатта, ҳукуматимиз ва шах-сан Президентимизнинг соҳа-



бориш сингари қатор вази-фалар сидқиқилдан бажарилмоқ-да.

"Асака банк"нинг Наманган филиали вилоятдаги йирик молия масканларидан бири саналади. Филиал бугунги кун-да 2104 та мижозга ҳолис хиз-мат кўрсатмоқда. Унинг мижоз-лари, асосан, иқтисодийнинг санаёт, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа турли тармоқлари тар-кибига кирди. Ҳозирда банк томонидан ушбу тармоқлар субъектларига ажратилган кре-дитлар қолдиғи жами 12,5 мил-лиард сўмини ташкил этиб, шундан кичик ва хусусий биз-нес субъектларига 2,9 мил-лиард сўм кредит берилган. Банк томонидан 2007 йил-нинг 1 чорагидида кичик биз-нес

си бошлиғи А.Абдухамидов. - Шу боис, фермерларга қўлай-ликлар яратиш, банк хизмати-ни уларга яқинлаштириш мақ-садида вилоятимиздаги мини-банкларимиз сонини ошириш-га катта аҳамият қаратаёмиз. Бугунги кунда "Пахта Банк" бўлимида минибанклар сони 38 тага етган. Туман ва шаҳар бўлимида эса 13647 нафар мижозга банк хиз-мати тақдим этаёмиз. Бу ми-жозларнинг 5025 нафари мам-лакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини кўтаришга бел боғлаган аъло қатъий фермер-лар эканлиги эса янада қув-онарлидир. Уларнинг 2957 на-фари пахта ва галлачиликка ихтисослашган бўлса, 440 на-фари полиз ва сабзавотчилик, 1532 таси мевачилик ва узум-чилик билан шуғулланади. 20 нафар фермер чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшишмоқда.

"Пахта Банк"нинг Наманган вилоят бошқармаси аҳил жа-моаси қишлоқ хўжалиги кор-хоналарига намунали банк хиз-мати кўрсатишни аллақачон ўзлаштириб олган. Масалан, 2006 йил галла ҳосили етиш-тириш ҳаракатларини молия-лаштириш учун ширкат ва фер-мер хўжалиқларига 5559 мил-лион сўмлик имтиёзли кре-дитлар ажратилган. Ушбу ажратилган кредит маблағла-ри қишлоқ хўжалиги корхо-налари томонидан етиштирил-ган галла ҳосили ҳисобидан тўлиқ миқдорда қайтарилди. Шунингдек, ўтган йили пахта хом ашёси етиштириш ҳара-жатларини молиялаштириш учун берилган 17313 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ҳам белгиланган муддатларда сўндирилди. Маълумки, қиш-лоқ хўжалиги корхоналарига пахта ва галла ҳосили етиш-тириш ҳаракатларини молия-лаштириш учун ажратилган им-тиёзли кредитлар қишлоқ хўжалигида агротехник тад-бирларнинг ўз муддатига ба-жарилиши, фермерларнинг ми-нерал ўғит ва нефть маҳсу-лотлари билан узлуксиз таъ-минланиши, соҳада банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи тўловларини кечиктирмасдан амалга оширилиши ҳамда кон-тракция шартномаларининг бажарилишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Шу боис, жорий йил пахта ва галла ҳоси-ли учун Молия вазирлиги қо-шидаги "Давлат этиҳонлари учун харид қилинадиган қиш-лоқ хўжалик маҳсулотларни ҳисоб-китоб жамғармаси" то-монидан ажратилган имтиёзли кредит ресурслари тўлиқ ўзлаштирилди. Бу галла ҳоси-ли буйича 3768,5 миллион сўм ҳамда пахта ҳосили етишти-риш буйича 9691,2 миллион сўмлик имтиёзли кредит ре-сурслари бўлгуси тўқин-со-чинлик йўлида сарф қилинди, дегандир.

Вилоятда қишлоқ хўжали-гини ривожлантириш мақса-дида "Техника ва этиҳот қисм етказиб бериш" Дастури иш-лаб чиқилган бўлиб, ушбу Дастурга асосан "Пахта Банк" бўлимида хизмат кўрсати-ладиган қишлоқ хўжалиги корхоналарига 19 дон Т-4А хайдош тракторлари, 23 дон ТТЗ-80-11 чопиқ тракторла-ри, 7 дон СЧХ-45 севалка-ри, 16 дон СЧХ-46 севалка-ри, 26 та ОВХ-600 пулкачиги, 456 дон борона банкнинг ўз маб-лағлари ҳисобидан етказиб берилди ёки шу мақсадлар-га 1197 миллион сўмлик банк кредити йўналтирилди.

Хўжалик субъектларига ай-ланма маблағларнинг етиш-маслиги ёки замонавий тех-никалар харид қилишда мо-лиявий имкониятларнинг че-klangлигини муаммоси лизинг амалиёти орқали ҳал этила-ди. "Пахта Банк" Наманган ви-лоят бошқармаси томонидан туман Машина тарктор пар-клари ва фермер хўжалиқла-рига 21 дон қиймат 3423,3 миллион сўм бўлган "Класс Доминатор" комбайнлари ли-зинг ва кредит амалиётлари орқали олиб келиб берилди. Жумладан, Қосонсой "Пах-та Банк" томонидан туманда-ги Камбарсада фермер хўжа-лиги (раҳбари А.Эгамберди-ев) 2006 йил 30 июнь кун қий-мат 110 миллион сўмлик "Класс Доминатор" комбайни лизинг асосида олиб берилган.

Нақд пулози тўловлар тизимини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. 2007 йил 1 ап-рель ҳолатига шавр ва туман бўлими томонидан микролар ўртасида жойлаштирилган пластик карталар 42569 тага еткази-лган. Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган 131 та терминаллар орқали савдо айланмалари жорий йилнинг би-ринчи чо-раги давомида 335,3 миллион сўмини ташкил этди.

Пахтакорга мадалкор

"Пахта Банк" мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхонала-рига хизмат кўрсатадиган энг йирик ва салоҳиятли банклар-дан биридир, - дейди акция-дорлик тижорат "Пахта Банк" Наманган вилояти бошқарма-

вилояти филиали бошқару-виси У.Ўқубов. - Замонавий банк хизмати турларини яна-да кенгайтириш ва хизматлар сифатини жаҳон ёндоқлари даражасига етказиш бу ерда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўна-лиши сифатида танланганли-ги ҳам фикримизга яққол ис-бот бўла олади. Филиал айни пайтда мамлакатимизда амал-га оширилаётган юксак икти-содий-иқтисодий ўзгаришлар, маънавий-маърифий соҳалар-даги янгилашларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Шу мақсадда банк тизимининг молиявий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, нақд пул муомаласининг банқдан таш-қари айланмасини қисқарти-риш ва тақомиллаштириш, банкларда депозит ҳисоб ва-рақлардан нақд пулдаги тўло-вларни узлуксиз таъминлаш ка-лопатлари, коммунал тўловлар буйича аниқ мақсадли иш олиб

Иброҳим ТУШЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Истиқлол тақозо этган тамойил

Навоий – республикаимизнинг истиқболи порлоқ, саноати ривожланган вилоятларидан бири. Майдони 110,8 минг квадрат километрни ташкил этади. Қарангки, унинг ҳудуди Европанинг Бельгия, Дания, Голландия сингари бир нечта ривожланган мамлакатларининг ер майдони билан барабар. Гап фақат катта ёки кичиклигида ҳам эмас. Чунки Қизилқум бағрида қад ростлаган Навоий шаҳри, умуман, вилоят мамлакат ишлаб чиқаришидаги улуши, саноатининг салоҳияти билан ажралиб туради. Бу, айниқса, истиқлол йилларида янада доврақ ёйди, тайёрланаётган маҳсулотлар дунё мамлакатлари бозорларига етиб борди. Навоийликлар барча эзгу ишларини давр билан ҳамнафас олиб бормоқдалар.



Изланиш

“Қизилқумцемент”: меҳнатга яраша рағбат

Вилоятдаги гигант корхоналардан бири “Қизилқумцемент” очик акциядорлик жамиятидир. Бугунги кунда жамиятга сенатор Ражаб Жуманиёзов раҳбарлик қилиб келмоқда. Эътироф этиш керакки, орамизда “Қизилқумцемент”нинг номи эшитмаган киши ёки унинг маҳсулотларидан фойдаланмаган бунёдкорлик ишлари билан шуғулланувчи корхона, ташкилот бўлмас керак.

Агар теварак-атрофга назар ташласак, юртимизда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида айнан “Қизилқумцемент” ОАЖда тайёрланган маҳсулотлардан фойдаланилмоқда. Цементнинг сифатлиги ҳаридорликни ошираётган бўлса, иш қўламининг катталиги узулқисиллиги таъминламоқда.

Ҳозирги кунда бу ерда икки ярим минг нафар атрофдаги ишчи-хизматчилар уч сменада меҳнат қилишаётир. Корхонада 38

рақли маслаҳатлар беришди. Шу билан бирга, заводга қарашли сифатгоҳ ҳам қайта таъмирдан чиқарилган. Бу ерда ойига 180 нафар киши саломатликларини тиклаш имкониятига эга. Бундан ташқари, ишчи-хотимларимизнинг яшаш шароити ҳам диққат марказида. Уларнинг қилаётган меҳнати, оилавий аҳолидан келиб чиқиб, ҳар бир цех доирасида йиғилиш ўтказилиб, иштирокчилар розилиги билан тураржой билан таъминлашга ҳаракат қилинади. Шу ерда ишлаб, корхона ривожига кўп йиллар давомида меҳнати синган нафақадаги ходимларга иззат-икром кўрсатилади. Уларга ҳар ойда бир мартаба моддий кўмак берилади.

Жорий йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб аталганлиги барча корхонага ташкилотлар зиммасига талайгина вазифаларни юкляди, турли хайрли ишларга ундамоқда.

“Қизилқумцемент” очик акциядорлик жамияти жамоаси йил бошидан шундай меҳр-муруват тadbирларига киришган. Аҳоли-

“Қизилқумцемент” ОАЖда олиб борилаётган барча юмушлар ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорли-



гини ошириш, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Неъматни қадрлаётганлар

Сув – бебаҳо бойлик. У борки, тириклик, ҳаёт мавжуд. Бободоҳонларимиз сувни зарга қийслашган, ундан иложи борича исрофгарчиликларисиз фойдаланишга, мўл ҳосил олишга ҳаракат қилишган, зардан дур ундириш иши дўндириш-ган. Бу бизгача аънавий мерос сифатида етиб келган қадрият десак, адашмаймиз.

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Тошрабод-Ўртачўл” ирригация тизими бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳам мана шунинг асосий максдад қилиб олганлар.

Бошқарма иккита – Қизилтепа ва Қармана туманларидаги 10 минг гектар пахта, 13 минг гектар галла экиладиган майдонларга хизмат кўрсатади. Шу йилнинг январь-февраль ойлари давомида 12000 гектар ернинг шўри икки мартаба ювилди. Шуниси эътиборга лойиқки, бошқарма томонидан қўлланилаётган тadbирлар натижасида шўрланмиш ҳолати яхшиланиб, юқори самарага эришилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Сув ҳўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан сув ҳўжалигида ирригация тизимларини

бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий тизимидан ҳавза тизимига ўтиштирилди. Шу ҳўжатлар асосида вилоятда “Тошрабод-Ўртачўл” ирригация тизимлари бошқармаси ташкил этилди. Тизим бўйича 145 километр ҳўжаликлари, 1023 километр ички ҳўжалик суғориш тармоқлари, 400 километр ҳўжаликлари, 500 километр ички ҳўжалик мелiorация шохобчалари мавжуд.

Бизда табиий ҳолда оқувчи сув манбаси йўқ. Чўлда деҳқончилик қилишининг ўзи бўлмайди. Сувни қанча-қанча километр узоқликдан тортиб келиб, ҳўжалиқларга ўз вақтида етказиб бериш зиммасига катта масъулият юкляди, – дейди бошқарма раҳбари Аҳмадjon Латипов.

Дарҳақиқат, сув 150 километр узоқликдан Амударёдан қудратли насос станциялари орқали 120 метр пастликдан юқорига кўтариб олиб келинади. Яна қўшимча насос станциялари орқали фермерларга етказиб берилади. 90 та ер ости қудуқлари таъмирдан чиқарилиб, вегетация жараёнига тайёрлаб қўйилган.

Бу ишларда “Сув ҳўжалиги аълочили” нишондори гидротехник Самандар Очилов, Ўртачўл канали бошлиғи Облоқ Нурматов, мелiorатор Фулом Нисёзов жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ер билан тиллашганлар

Навоий вилоятида ер муносабатларини тартибга солиш, заминдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, давлат ер кадастрини юритиш, ширкат ҳўжаликлари ер майдонлари-



нинг сўм миқдорида жарима белгиланган бўлса, икки раҳбар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бар-тароф этиш учун маълум муддат белгиланиб, тегишли тартибда расмий оғохлантиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги 514-сонли қарори билан вилоят бўйича 8 та ширкат ҳўжалиги тугатилиб, уларнинг ерлари 760 фермер ҳўжалиғи тасарруфига берилиши белгиланган эди. Бугунги кунда қишлоқ мулкдорларига 25649 гектар экин майдонлари ажратилиб, ҳўжатлар қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона

на юқори сифатли йодланган туз ишлаб чиқариб, ўз ҳаридорларини топди. Шу сабабданми, ишлаб чиқариш суръати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳусусан, жамоа 2004 йили 3800, 2005 йили 5500, 2006 йили 6500 тонна маҳ-

сулот ишлаб чиқарган бўлса, бу йил 7000 тоннани мўлжаллаб турибди.

Маҳсулотнинг сифатлиги кўп жиҳатдан технологияга боғлиқ, – дейди корхона раҳбари Абдураззоқ Худойқулов. – Мана шунга амал қилиб, Франциянинг “Снейш” фирмаси замонавий дастгоҳини ўрнатганимиз. Тўрт сменада меҳнат қилаётган 40 нафар ишчимизнинг ўз меҳнатлари маҳсулидан кўнгли тўқ, Биласиз, бугунги кунда аҳоли ўртасида йодланган тузга талаб катта. Умуман, тузни йодламасдан сотувга чиқариш қаттиқ назоратга олинган. Маҳсулотнинг сифатлигини таъминлаш максдаида ҳар соатда уни таҳлил қилиб борамиз.

Асосий бирламчи маҳсулотни, яъни 8-10 вагон техник тузни ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикасидан келтирамыз.

Ҳозирги кунда маҳсулотимизни республиканинг барча ҳудудларига жўнатаёмиз. Албатта, келгусидаги ниятлар ҳам бисёр. Булар корхона фаолиятини кенгайтириш, бу орқали аҳолининг йодланган тузга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш ва энг муҳими, одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшидан иборатдир.

Тadbиркорлик – мулкдорликнинг асоси

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли қишлоқ ҳўжалигидаги етатки куч – фермерлар сари кенгайиб бормоқда ва улар республика иктисодиётини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшишмоқда. Яратувчилик меҳнати туфайли ўзини ҳам, элини ҳам манфаатдор этаётган фермерларимиз бисёр. Уларни республикаимизнинг турли ҳудудларида учратиш мумкин.

Туманимиздаги кўзга кўринган жамоалардан бири Абрий Каримов бошчилиги қилаётган “Карим-Жуман” фермер ҳўжалиғидир. – дейди Нурота тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Аслиддин Рустамов. – Ўшбу фермер ҳўжалигида 300 бош қўй-эчки, 15 бош қорамол боқилмоқда. Фермер ҳўжалиғи ҳар йили шартномавий режаларни ортиги билан баҳариб келади. Шу билан бирга, фермер хайрия ишларида ҳам фаол. Жумладан, фермер ҳўжалиғи 2003-2005 йиллар мобайнида кам таъминланган оилаларга 3 миллион сўм, 11-ўрта мактабни таъмирлаш ишларига 800 минг сўм, ўзи яшаётган “Янгибино” қишлоғида ўтказилган оммавий тadbирлар, спорт мусобақалари учун 500 минг сўм ҳомийлик маблағлари ажратди. Ўн гектар сувли, ўн гектар лалми майдондаги галладан ҳар йили юқори ҳосил олиб келмоқда. Уни чин маънода тadbиркор, мулкдор, десак арзийди. Зеро, бу – фермер ҳўжалигининг кўрсаткичларида намоян бўлаётми.

Ўқтамхон ХОЛДОРОВА, Дилрабо ОНДАНОВА.

Шижаотли “Элтуз”

Вилоятдаги “Элтуз” шўба корхонаси фаолият бошлаганидан бери ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, корхона дастлабки йилдаёқ 2648 тон-



YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

Францияда янги раҳбар

Францияда президентлик сайловининг 2-тури бошланди.

Сайлов бюллетенлари ҳисоб-китобида кўра, консерваторлар вакили, собиқ ички ишлар вазири Николя Саркози 53,06 фоиз овоз тўплаб ғолибликни кўлга киритган. Унинг асосий рақиби социалистлар номзоди Сеголен Руаял хоним 46,94 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватловига эришган. Франция янги президенти Николя Саркози шу йилнинг 16 майдан эътиборан расмий равишда ўз вазифасига киришади.

Сайлов натижалари эълон қилиниши билан Руаял хонимнинг минглаб тарафдорлари Париж ва бошқа шаҳарларда тартибсизликлар уюштиришган. Полиция тош ва ёқилга солинган шиша идишлар билан “қуролланган” тартиббузарларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ қўллашга мажбур бўлган.

Авиаҳалокат манзили аниқланди

Кения ҳаво йўллари компаниясига тегишли Boeing 737-800 йўловчи самолёти қолдиқлари Камеруннинг Дуала шаҳри чеккасидаги ўрмондан топилиди.

Бортда 114 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари бўлган самолёт ўтган ҳафта охирида Дуаладан Найробига йўл олган эди. Парвоздан 10 дақиқа ўтиб самолётнинг диспетчер билан алоқаси узилиб қолганди. Об-ҳавонинг ноқулай келгани боис кидирув ишлари ҳалокатдан уч кун ўтгач олиб боришган.

Кения ҳаво йўллари компанияси вакилларининг хабарларига кўра, самолёт бортидаги барча йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳалок бўлган.

Дўстлик алоқалари тикланади

Болгария бош вазири Сергей Станишев Россия Федерациясига расмий сафар уюштирмоқчи.

Бош вазир таъриф асосида Россия президенти Владимир Путин билан учрашиши маълум қилинмоқда. Ўшбу расмий сафардан энергетика, туризм, иктисод соҳасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш кўзланган. Таҳлилчилар икки томонлама учрашувнинг расмий Москва ва София учун катта аҳамият касб этади, дейишмоқда. Сабаби охириги 17 йил ичида икки давлат ўзаро бирор бир расмий дорада алоқа ўрнатмаган эди. Собиқ иттифокнинг кулаш давридаги юзга келган тушунмовчиликлар узоқ йиллик дўстона алоқаларини узиб қўйганди.

Президентни ким сайлайди?

Туркия парламенти Абдуллоҳ Гўл номзодини иккинчи бор президентликка сайлай олмади.

Парламентнинг яқинда кўни бўлиб ўтган мажлисида депутатларнинг барчаси иштирок этмагани боис мамлакатнинг янги президенти аниқланмаган. Ўтган ойдаги овоз беришнинг биринчи босқичида ҳам худди шундай ҳол кузатилгани сабабли конституцион суд сайлов натижаларини бе-кор қилган эди. Амалдаги партия томонидан тақдим этилган ягона номзод Абдуллоҳ Гўл бу воқеалардан сўнг ўз номзодини қайтариб олиш ниятида эҳалигини маълум қилган.

Бош вазир Ражаб Тоййиб Эрдоган бу муаммоларга фақатгина сайлов тизимида ислохотлар олиб бориш билан чек қўйиш мумкинлигини айтган. Унинг фикрича, президентни парламент эмас, балки халқ сайлаши лозим.

Хавфли тўда қўлга олинди

Мароккаш хавфсизлик хизмати мамлакатда бир неча йилдан бўён фаолият юритиб келган жиноий тўдани қўлга олди.



20 кишидан иборат бу тўда “Ал-Қоида” ва Ироқдаги жангарилар сафига одамларни жалб этиш билан шуғулланиб келган. Уларнинг мўлжалида асосан ёшлар бўлган. Тўда бошлигининг сўзларига кўра, улар ҳар бир ёлланма “аскар” учун катта миқдорда пул мукофоти олган ва шахсан Усама бин Ладин билан тўғридан-тўғри алоқада бўлган. Жиноятчилар тўрига илинганлардан икки нафари шу йилнинг 14 апрелида Касабланкадаги АҚШ консуллиги ва ўқув маркази ёнида ўларани портлатиб юборган эди.

Торнадолар ҳукмронлиги

АҚШнинг марказий штатлари вайронакор торнадолар қуришвида қолди.

Миллий метеорология хизмати маълумотида кўра, охириги бир кун мобайнида қатор штатларда 70 дан зиёд тўфон кузатилган. Хабарларга кўра, охириги юз йил ичида АҚШда бундай вайронакор фалокат кузатилмаган. Қатор марказий штатларда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Оклахома, Небраска, Канзас штатларидаги айрим аҳоли пунктлари деярли йўқ бўлиб кетган. 10 дан зиёд одам торнадо қурбонига айланган.

Хориж ОАВ хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 8 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1036,47	1 Польша злотийси	456,73
1 Англия фунт стерлинги	2509,16	1 СДР	1910,83
1 Дания кронаси	229,55	1 Туркия лираси	932,33
1 БАА дирҳами	342,19	1 Швейцария франки	1038,92
1 АҚШ доллари	1256,78	1 ЕВРО	1709,97
1 Микрон фути	221,56	10 Жанубий Корея вон	13,61
1 Исландия кронаси	19,82	10 Япония иенаси	104,91
1 Канада доллари	1136,84	1 Россия рубли	48,77
1 Ўлтой юани	163,11	1 Украина гривнаси	248,87
1 Малайзия ринггити	367,69		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бундан икки йил муқаддам юртимизда оммавий-ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан мамлакатимиз ОАВ ходимлари ўртасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти жорий этилган эди. Таъкидлави жоизки, бу йил ушбу танлов кўлами янада кенгайди. Яқинда мустақим "Ўзбекистон" саройида журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" II Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари аниқланди.

Танловда "Энг яхши журналистик материал учун" йўналишида телевидение бўйича "Ўзбекистон" телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририят катта муҳаррири Саодат Урмонова "Қишлоқ ҳаёти" туркумидаги кўрсатувлари учун ғолибликни қўлга киритди. Телевидениеда айнан бизнинг мавзусимизда қалам тебрати ижод қилиб келаётган ҳамкасбимизни қўлга, у билан суҳбатда бўлди.

"Қишлоқ одамлари — қаҳрамонларим... ва қадрдонларим"



"Дўппидеккина қишлоқ. Қишлоқ одамлари дидига вобаста қурилган баланд-паст уйлар. Инсоннинг бахри дилини очувчи манзара. Бу манзара қишлоқда илк бора келган кишини яна келишга қорал турди. Туриси, биз ҳам бу ерга тақлиф баҳонасида эмас, балки тосидиф билан келдик..."

Саодат Урмонованинг ушбу юрак-ка яқин сўзлари билан бошланган кўрсатувларини кўрмаганлар йўқ бўлса керак ораимизда.

Ўзим ҳам қишлоқда туғилиб ўсдим. Сақиз фарзанднинг ичиде бешик-симан. Ота-онам оддий одамлар. Болалигимдан газета-журналларга ёзиш-

га иштиёқманд эдим. 6-синфда ёзган мақоламга тахрирдан жавоб хати келган. Ушунда ўзимни энг бахтли инсон деб ўйлаганман. Бу жавоб хати кейинчалик журналистика соҳасини танлашимга туртки бўлди. Мақабни олтин медал билан тугатиб, олийгоҳга киришганимдан эса ўзимни худди тақдирнинг зарбасига урагандек ҳис қилдим. Уша кундан бошлаб ўз-ўзимга ҳеч қачон енгилмаслик керак, дея сўз берганман. Ўқишга ҳам кирдим, ҳаш-паш дегунча олийгоҳи ҳам битирдим. Йулланма билан Ўзбекистон телевидениесига ишга келдим. Аммо бўлиб бошлиғи битирувчилар орасида айнан мени кўрсатиб, бу қиз бизга тўғри келмайдими, дея мени ишга олмаган. Энди уша пайтдаги ҳолатимни кўрсангиз. Ҳозир ўйлаб кўрсам Қазановнинг қаршилиғи ҳам менинг кейинги ишларим, учун ютук бўлди, деб ўйлайман. Бу ишга қабул қилинмаганимга ўзимга ўзим тинчлик бермадим.

—Нима учун айнан қишлоқ ҳаёти мавзусини танлагансиз?

—Талабалик пайтларим ҳам газеталарга ёзиб турардим. Қишлоқ одамлари, уларнинг муаммоларини анча яхши билганим боис бир неча бор "Тошкент ҳақиқати", "Қишлоқ ҳаёти" газеталарида мақолаларим чиққан. Эсимда илк танқидий мақолам бир хат

изидан руқни остида "Тошкент ҳақиқати"да босилган. Ушунда тахририятга жавоб хатлари келган. Бир хатда барча айбни ўзимга юклаб, мени ёлғончиға чиқаришган экан. Ўр эмасманми, кўриб кетиб роса йиғлаганман. Шунда газетдаги устозларим, нега йиғлагансан, ахир бу сенинг ютуғинг, дея тинчлантиришгани эсимда.

Телевидениега ишга кирганимдан сўнг ҳам қишлоқ мавзуси менинг асосий мавзум бўлиб қолди ва "Қишлоқ ҳақида уйлар" кўрсатувини очдим. Ушбу кўрсатувга ҳам ролпа-роса 19 йил бўлди.

—Биринчи кўрсатувни тайёрлаш жараёни қандай кечган эди?

—Биласиз, илгарлари телевидени-

менга таъсир қилиб, кўрсатув матнига қуйидаги сўзларни қўшдим: Опа-мимиз ёки синглим билмадим, аммо мени сизларни яхши кўриб қолдим. Қадок қўлларингизни мендан яширапсизми, кўйинг уялманг ахир бу қўлларда меҳнатингиз излари бор-ку!

Биринчи кўрсатувим эфирга узатиладиган сўнг ҳамма мени табриклади, жонли суҳбат қўпчилиққа ёқди. Шунда одамларга ҳаётни бежамай, бори-ча кўрсатсагина маъқул бўлишини аниқладим.

—Қаҳрамонларингиз билан

кейинчалик ҳам боғланиб, улар билан яқин бўлиб қолганимиз?

—Қаҳрамонларимнинг аксарияти чекка-чекка қишлоқларда яшаганлари учун кўпда улар билан қайта боғланолмайман. Лекин суҳбурдорлик фермер аёл Сайда опа Эшмуродова билан худди опа-сингилдек бўлиб кетган эдик. Афсуски, автохалокат туфайли у эрта оламдан ўтди. Сайда опа шунчалик камтарин, бағрикенг инсон эдики, бир кун "сўямка"дан чарчаб келиб эшикни очсам опа қўлида супурги қўлимсираб, турибди. Кейинчалик унинг хотирасига бағишлаб "Яхшилар ёди" кўрсатувини тайёрладим.

—"Олтин қалам" II Миллий мукофоти ғолиби бўлдингиз. Мукофотини топириш чоғида саҳнада гапирётганингизда ҳаяжонингиз ақсод сезилиб турди.

—Ҳа, камтарин меҳнатларим юксак баҳоланди. Қўтилимаганда ғолиблар орасидан ўз номимни эшитиб тарадаудилан қолганим рост. Ҳаётим мобайнида бир нарсани яхши англаб етдимки, излансанг, интилсанг келгусида, албатта, меҳнатинг юзага чиқади. Инсон меҳнати қадрланадиган юрта яшаётганимдан бахтлиман.

Орузул РУСТАМОВА суҳбатлашди.



"Қурувчи"нинг шашти баланд

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати Олий лига жамоалари саккизинчи тур учрашувларини ўтказишди. Турнинг марказий ўйини Фарғонада бўлиб ўтди. Унда олий лига қарвонбошиси "Нефчи" совринли ўринлар учун курашаётган "Машъал" клубига қарши баҳс олиб борди. Қизгин курашлар остида кечган учрашув Юри Саркисян бошчилигидаги фарғоналик футболчиларнинг ғалабаси билан якунланди. "Машъал" дарвозасига уч қол киритган мезбонлар ўз дарвозаларидан бир тўп олиб чиқиди — 3:1. "Локомотив" — "Металлург" ўйини эса голларга бой бўлди. Учрашувни кузатиш

учун ўйингоҳга таширф буюрган мухлислар олти бор дарвозалар ишғол қилинган гувоҳи бўлишди. Голлардан учтаси пойтахтлик футболчилар томонидан киритилган бўлса, яна шунчаси бекободлик чарм тўп усталири номига ёзилди.

Ўздорда бўлиб ўтган "Шўртан" — "Пахтакор" беллашувида меҳмонларнинг ғалабаси қайд этилди — 0:3. Совринли ўринлар учун курашаётган "Андижон" ва "Қизилқум" клублари баҳсиде кичик ҳисоб билан андижонликлар зафар кучиди — 1:0. Лига дебютантлари — "Вобкент" ва "Қурувчи" жамоалари ҳам бу турни ғалаба билан якунлашди. "Вобкент" —

"Трактор" — 2:1, "Қурувчи" — "Навбахор" — 3:1 ва ниҳоят, турнинг яна икки учрашувни дураниг натижа билан ниҳоясига етди: "Насаф" — "Самарқанд" — 1:1, "Тупаланг" — "Бухоро" — 0:0.

Саккизинчи турдан сўнг 24 очко жамагаран "Нефчи" турнир жадалига етакчилик қилмоқда. Ундан кейинги ўринлардан "Пахтакор" (22 очко), "Қурувчи" (19 очко) ва "Андижон" (18 очко) жамоалари жой олган.

Тўпурарлар пойгаида эса "Нефчи"нинг икки вакили Анавар Бердиев (етти гол) ва Акмал Холматов (6 та гол) ҳамда "Қизилқум" ҳужумчиси Нейматулло Қўтиббев (олти гол) етакчилик қилишмоқда.



"Манчестер Юнайтед" — чемпион

Ўтган ҳафтада Италия ва Франция чемпионатлари олтин медал соҳиблари маълум аниқланди.

Кўни кеча эса Англия премьер-лигаси ғолиби маълум бўлди. Чемпионатнинг 37-турида "Челси" "Арсенал" билан тўқсон дақиқалик тонгма-тег курашдан сўнг муросага келди — 1:1. Айнаш шу дурани "Арсенал" — "Челси"га қимматга тушди ва мавсум якунигача "Манчестер Юнайтед"ни қувиб ўтиш имкониятини йўққа чиқарди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтамиз, "Манчестер Юнайтед" Англия футбол биринчилигида 16-бор бош совринни қўлга киритди. Бу борада "қизил иблислар" фақатгина "Ливерпуль"дан ортада қолмоқда. "Қизиллар" 18 марта чемпионат ғолиблигига сазовор бўлишган.

"Челси" учун жорий мавсум қўтиладиган кўра омадсиз келди. Жамоа дастлаб чемпионлар лигаси ярим финалида курашни тўхтатди. Кейин эса премьер-лига ғолиблигини "Манчестер Юнайтед"га бериб қўйди. Энди "Челси" 19 май кўни "Ўзбеки" ўйингоҳида Англия кубоги учун кеадагидан баҳсда мағлубиятга учраса, жамоа мухлисларининг ҳафсалалари тушиши аниқ. Эътиборлиси, кубок учун бўладиган ўйинда ҳам "Челси"га "Манчестер Юнайтед" рақиблик қилади. Ундан ташқари, 9 май кўни бу икки жамоа чемпионатнинг 38-турида ўзаро куч синашишди.

Қарши шаҳридаги "Насаф" ўйингоҳида виллоятнинг тиббиёт соҳасида хизмат қилаётган хотин-қизлар ўртасида спартакиада бўлиб ўтди. Спортнинг етти тури бўйича ташкил этилган баҳслар қизқарқинли курашларга бой бўлди.

Майдонда хотин-қизлар

Воллейбол, стритбол ва аркан тортиш беллашуларида Ўздор тумани тиббиёт ходимлари ғолибликни қўлга киритишди. Шохматда яккабонликлар ўз ақл-заковатларини намоён этишган бўлишса, шашкада қабилликларга тенг келадиган рақиблар топилмади. Енгил атлетика ва стол теннис баҳсларида эса Деҳқонobod ва Китоб тумани вакиллари ғалаба нашидасини суришди.

Мейвезерни енгил осонмас

Флойд Мейвезер профессионал боксинг WBC версияси биринчи ўрта вазн (69,9 килограммга)чада чемпионлик қамари соҳиб бўлди.

Лас-Вегасда бўлиб ўтган жангда у "тилла бола" лақабли Оскар де ла Хойадан очқолар бўйича устун келди. Профессионал боксинг машҳур чарм қўлқоп юлдузларидан ҳисобланган бу боксчилар ўртасида "мушлатиш"га қизқиш катта эди. Мутахассисларнинг аниқ далиллар асосида маълум қилишларича, фақатгина чипталарнинг сотувидан 19 миллион АКШ доллари пул тушган. Бу жангнинг трансляцияси эса 100 миллион долларга турли телеканалларга сотилган.

Беллашуида ғалаба қозонган Флойд Мейвезер 10 миллион "иш ҳақи" олган бўлса, мағлуб "тилла бола"га 25 миллион насиб этди.



Ҳазилдин АБИЛОВ тайёрлади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"Ўзбекиноао-холдинг" компанияси қайта ишлаш корхоналарига узум хом ашёси етказиб берувчи фермерлар ўртасида 2007 йил мавсуми учун навбатдаги

ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қатнашиш учун фермер хўжалиги тизимидаги қайта ишлаш корхоналари билан бевосита ёки агрофирмалар орқали узум хом ашёси етказиб беришга шартнома тузган бўлишлари керак.

Танлов ўтказиш 3 босқичда амалга оширилади.

I - агрофирмалар таркибидеги фермерлар ўртасида.

II - агрофирмалар тавсия этган ғолиб номзодлар ва бевосита қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузган фермерлар ўртасида.

III - компанияда ўтказиладиган қайта ишлаш корхоналари тавсия этган ғолиб номзодлар ўртасидаги якуний босқич.

Танловда қатнашаётган фермер хўжаликлари саноатбон тоқзорлари майдонига кўра 3 та гуруҳга ажратилади:

I - 1-3 гектар

II - 3-5 гектар

III - 5 гектар ва ундан ортиқ тоқзорларга эга бўлган фермерлар.

Танлов якунида 3 та гуруҳ бўйича ғолиблар аниқланади ва қуйидаги тартибда мукофотланади:

I гуруҳ (1-3 гектарли тоқзорлар) - 1-ўрин музлаткич

II гуруҳ (3-5 гектарли тоқзорлар) - 1-ўрин компьютер

III гуруҳ (5 гектар ва ундан ортиқ тоқзорлар) - 1-ўрин ўрин автомашина

Шунингдек, қайта ишлаш корхоналарига узум хом ашёси етказиб берувчи, шартнома шартларини ошиғи билан бажарган агрофирмалар, деҳқонлар учун ҳам қимматбаҳо совғалар таъсис этилади.

Танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни 144-18-07, 144-04-60 телефонлари ёки виллоятлардаги қишлоқ ва суу хўжалиғи бошқармалари, узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар орқали олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар кўчаси мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш офиси томонидан 3.05.07 йилда Фуқаро Расуллов Улугбек Дамолдидиновичга № 1351 нотариал идораси учун берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қодирхаджаев М. номига берилган, Т.Пўлатов кўчасида жойлашган бинонинг № 2207880684 7-70/2003 рақамли қадарат хужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "GAZOL PLUS", таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан Низом ҳамгармаси 59 451 386 (Эллик тўққиз миллион тўрт юз эллик бир минг уч юз саксон олти) сўмдан 49 451 386 (Қирқ тўққиз миллион тўрт юз эллик бир минг уч юз саксон олти) сўмга камайитрилганлигини маълум қилади.

Утеранный кадастровый документ № 10030203030004, выданный 29.01.2007 г. управлением земельных ресурсов и кадастра недвижимости на имя Ашрафи М.Ф., считать недействительным.

ООО "VALID-BARAKA" (код по ОКПО 19881701) Мирзо Улугбекского района г.Ташкента ликвидирована. Претензии принимаются в течение двух недель со дня опубликования объявления. Тел.: 67-13-77.

Утеранный оригинал свидетельства ООО "Косим-ота-бизнес" Утепинского района г.Ташкента, выданный Горстатом от 27.11.2004 г. № 24331, считать недействительным.

Дочернее предприятие "TONG-IL PLUS" перерегистрируется в частное предприятие "TONG-IL PLUS". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 292-17-49.

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ

Тошкент Давлат Аграр университети 2007-2008 ўқув йилида республикамизнинг барча ўқув юртиларига тест синовлари асосида кириш учун 2007 йил 1 июндан бошлаб 2 ойлик, 1 июндан бошлаб эса 1 ойлик пуллик тайёрлов курсига ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент Давлат Аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртиларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топиришга тайёрлайди.

Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шартитлар маъжуд. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш учун ойига 35 минг сўмни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари бепул ўқитиладу ва давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

ХУЖЖАТЛАР қабул қилинмоқда.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги хужжатларни топиришлари керак:

1. Ариза
2. 3x4 ўлчамли 2 донна фотосурат
3. Аттестат нусхаси

Тайёрлов курсида ўқиш университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Хужжатлар тайёрлов курси биносининг 2-қават 3-хонасида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 63-75-07

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM.uz

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк қўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобуслари сотади. Ҳақ тўлаш истаган усулда!

6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли сўт ташин машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"ГАЗ-31105" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли нон ташин машинаси

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва кўчаси мулк каттабери бош бошқармаси томонидан 1999 йили "МЕДИК-5" акциядорлик жамиятига берилган, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани, Чуваской кўчаси, 48-уйга қарашли ер қадарат хужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чирчиқ олимия завоирлари қасб-ҳудуд қоллежи томонидан 2006 йили Корганов Азизбек Паратович номига берилган К № 490388 рақамли динлов йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сидраб виллояти Гулистон шаҳридаги "SMART-BULM-MED" қиша корхонаси (ОКПО бўйича код 20378859) туғилишда Давлатдор Ўзбек чоп этган кундан бошлаб бир ой мобайнида Гулистон шаҳар Улғуобод қўрғонига қабул қилинади. Тел: 27-72-27.

Тошкент виллояти Тошкент туманидаги "GAZOLLOVA RAHVAR BOGT" фермер хўжалиғи "JALIL XILRA BOGT" фермер хўжалиғи билан бириктирилмоқда. "GAZOLLOVA RAHVAR BOGT" фермер хўжалиғи "JALIL XILRA BOGT" фермер хўжалиғининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Тошкент виллояти Тошкент туманидаги "BANOMON NEYMAT BOGT" фермер хўжалиғи туғилишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва суу хўжалиғи вазирлиғи жамоаси Ғаллачиллини ри-иолантириш бошқармаси Уруғчилик бўлими бошлиғи Хайдар Махмудовга палдон бузуворни КЎРБОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия илхор этади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси тахририяти жамоаси газетанинг су-раткаш муҳбири Бахтиёр Акрамовга палдон бузуворни КЎРБОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўқир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўқтам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрно-саноат комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котиббит - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Қабулхона - 136-58-83	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котиббит - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Қабулхона - 136-58-83	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-806-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-378-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар ① - тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: С. РАҲМОНОВ Саҳифаловчи: Р. ЕДГОРОВ, А. САФОНОВ Мусахҳис: С. ИСЛОМОВ
---	--	---	---	---	--	---	--	---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-417, ҳажми 2 босма табак.

Офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.

Босишга топирилди вақти: 22.16 Босишга топирилди: 23.10 Адади - 17910

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6